

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИ УЧУН****Шарипов Санжар Собирович**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академиясининг Ички ишлар органларининг маъмурий
фаолияти кафедра доценти, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7544728>

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат мавжудлигининг барқарор, муҳим ва мажбурий элементларидан биридир [8; 161-б.], жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай даврда ҳам давлатларнинг, хусусан, ундаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг асосий фаолият йўналиши ҳисобланган [7; 91-б.], у давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш борасидаги кун тартибининг энг муҳим масаласидир [9; 167-б.].

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрлари учун” деган эзгу тамойил асосида олиб бораётган ислохотларимизни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда ички ишлар тизими ходимлари давлатимиз ва жамиятимизнинг мустақкам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган мураккаб ва таҳликали шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустақкамлаш қанчалик муҳим вазифа эканини барчамиз яхши англаймиз. Шу боис, кейинги йилларда ички ишлар тизимини ислох қилишга устувор эътибор қаратилмоқда[1].

Амалга оширилаётган ислохотларда “Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини аниқ белгилаш [3], жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш, замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустақкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш [2]” устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳамда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон (2021 йил 29 ноябрь) фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан қафолатли ҳимоя қилишга қаратилган, “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” ва “2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” тасдиқланди.

Миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат – “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”да, жамоат хавфсизлиги

билан боғлиқ асосий тушунчалар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, концепцияни амалга ошириш механизмлари ва уни амалга оширишдан кутилаётган натижалар каби масалалар белгиланди.

Маълумки, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашиш зарурати мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаб олишни талаб этади. Бу борада “2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси”нинг мақсади ҳам мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишдан иборат бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш тизимида кенг кўламли демократик ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадрлари учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида, қабул қилинган “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” деб номланган 16-мақсадида, жамоат тартибини сақлаш бўйича патрулик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фуқарони ички ишлар бўлимига текшириш учун олиб бориш амалиётидан воз кечиш ҳамда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш каби муҳим чора-тадбирлар белгиланган [4].

Ушбу белгиланган муҳим чора-тадбирлар ижроси ҳамда ички ишлар органларини фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, уларнинг юқори ҳаракатчанлигини ошириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 333-сон (2022 йил 15 июль) қарори мувофиқ, патруль хизматини босқичма-босқич авто ва мотопатруль шаклига ўтказиш орқали нарядларнинг мобиллигини ва ҳодиса жойига тезкорлик билан етиб боришини таъминлаш тартиби белгиланди [5].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 399-сон

(2022 йил 22 июль) қарорига мувофиқ, ички ишлар органлари фаолиятига босқичма-босқич “Е-патруль” тизими жорий этиш, фуқаронинг шахсини аниқлаш учун ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечиш ҳамда барча маълумотлар жойида планшет орқали текшириш, ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимларининг фаолияти “бодикамера”дан фойдаланган ҳолда амалга оширилиш йўлга қўйилди [6].

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар фуқароларнинг маъмурий масалалар бўйича ортиқча овора бўлишининг олдини олиш, соҳа ходимларининг вақтини тежаш, ўз вақтида ва тезкорлик билан жазо муқаррарлигини таъминлаш, куч ва воситаларни тезкор бошқариш ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига тезда муносабат билдириш имконини бермоқда.

References:

1. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига табрик йўллади // <https://m.kun.uz/news/2022/10/25/president-ichki-ishlar-xodimlarini-tabriklab-ulardan-bir-guruhini-mukofotladi>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон (2021 йил 26 март) фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон (2021 йил 29 ноябрь) фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон (2022 йил 28 январь) фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати саф бўлинмалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 333-сон (2022 йил 15 июль) қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 09/22/333/0527-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 399-сон (2022 йил 22 июль) // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.07.2022 й., 09/22/399/0658-сон.
7. *Ястребова А.И.* К вопросу о взаимодействии общественных организаций и органов полиции в сфере охраны общественного порядка в российской федерации // Вестник Московского университета МВД России. – № 3. – 2016. С. 91.

8. *Боев В.М., Шамрай В.Н.* Теоретико-правовое обеспечение общественного порядка и общественной безопасности в современных условиях // Бизнес в законе. – 2012. – №3. – С. 161.
9. *Мирзохофизиён М.М.* Современное состояние административно-правового регулирования и организации участия граждан республики таджикистан в обеспечении общественного порядка // Закон и право – 2020. – №03. – С. 167.